



АЛЛОХНИНГ ИНСОНГА БЎЛГАН МУХАББАТИ

Мукаддима

Куръонда Аллохнинг инсонга бўлган эхтиромини ифода этадиган кўплаб оятлар мавжуд. Жумладан, У Зот фаришталарга Одам Ато учун хурмат ва эхтиром билан сажда килишни буюргани барчамизга маълум. Аллохнинг Каломида инсониятнинг отаси Одам алайхиссалом шахсида кўзга ташланувчи инсон вужудига туширилган рух Аллох азза ва жаллага мансуб эканига ишора киладиган оятлар ҳам бор. Шунингдек, Куръони Каримда оламдаги кўплаб нарсаларнинг инсонга хизмат килиши ва унинг манфаатларини бажариши учун бўйсундириб кўйилганини таъкидлайдиган оятлар-да учрайди.

Бу нарсалар инсоннинг сарф киладиган меҳнати билан амалга ошадими ёки банданинг унга аралашувисиз ва унинг куч сарфлашига хожати тушмай, тўғридан-тўғри, ўзига хос хизмат оркали содир бўладими – бунинг фарқи йўқ. Умуман олганда, унда Аллохнинг борликдаги кўплаб нарсаларни инсон фойдаси учун хизмат килдириб кўйганини асослаб берадиган оятлар мавжуд.

Ана шулардан бири Аллох азза ва жалланинг ушбу оятидир:

«Батахкик, Биз Бани Одамни азизу мукаррам килиб кўйдик ва уларни куруклигу денгизда (улов-ла) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалар ила ризклантирдик ва уни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлако афзал килиб кўйдик» (Исро сураси, 70-оят).

Яна бир оятда:

«Эсла, фаришталарга: «Одамга сажда килинглар!» деганимизни», дейилган (Бакара сураси, 34-оят).

Албатта, бу сажда хурмат ва эҳтиром саждаси эканини, ибодат ва улуглаш саждаси эмаслигини сиз яхши биласиз.

Оятларнинг яна бирида Аллох азза ва жалла фаришталарга хитоб килиб, инсоният руҳи Аллохнинг Ўзига мансублигини эслатади:

«Бас, қачонки уни тўғрилаб бўлганимда ва ичига Ўз руҳимдан пуфлаганимда унга сажда қилган холингизда йикилинг», деганини эсла» (Хижр сураси, 29-оят).

Улардан яна бири Аллох субханаху ва таолонинг ушбу сўзидир:

«Аллох осмонлару ерни яратган, осмондан сув тушириб, у ила меваларни сизга ризк килиб чиқарган, Ўз амри ила денгизда сузмоги учун кемаларни сизга бўйсундирган ва анхорларни сизга бўйсундирган Зотдир.

У сизга доимий ҳаракатдаги қуёш ва ойни ҳам, шунингдек, кеча ила кундузни ҳам хизматчи килиб кўйди» (Иброҳим сураси, 32–33-оят).

Шу ва шунга ўхшаш оятлар инсоннинг Аллох хузурида мутлако имтиёзли ўрни борлигини ифода этади. Хеч шубха йўкки, инсонга ушбу имтиёзни бериб, уни шу даражага кўтарган ва бунга лойик кўрган Аллох таолонинг Ўзидир. Инсон бу даражага Аллохнинг фазлу мархамати билан кўтарилган.

Албатта, инсон Роббиси томонидан қабул қилиб олган мазкур имтиёз ёки эътибор банданинг Аллох рози бўладиган нарсаларни бажариши орқали сарфлаган кучи билан бўлмаган. Балки Роббисининг дину шариатлари пайдо бўлишидан олдин, куч сарфлаб Унинг қонун ва буйруқларига ижобат қилиши ёки қилмаслигидан илгари Парвардигоридан қабул қилиб олган мурувватидир.

Агар бу бизга тушунарли бўлган бўлса, энди ушбу эхтиром ўзининг шакл ва кўринишлари билан нимага ишора қилаётганини ўйлаб кўрайлик.

Хеч бир шубха йўкки, албатта, бу Ўз қудрати билан яратиб, унга Ўз рухидан пуфлаган ҳамда фаришталарни сажда қилдирган, кейин атрофидаги борлиқнинг катта қисмини унга бўйсундирган Аллохнинг инсонларга нисбатан мухаббати борлигига ишора қилади.

Мухаббат билан унинг белгилари ўртасидаги алоқа очик-ойдин бўлиб, бу ҳақда хеч қим шубха қила олмайди.

Эхтимол, шу ўринда мен эътиборимни қаратаётган нарсани мулоҳаза қилишингиз зарурдир. Яъни Аллох таолонинг инсонга бўлган бу эхтироми билан Унинг мухаббати ўртасида собит қилинган нарсага алоқаси бор, деган сўз ҳақида ўйлаб кўришингиз керак. Шу пайт биласизки, бу иккиси бошқа-бошқа нарса бўлиб қолади. Демак, Аллохнинг инсонга бўлган мухаббати ва эхтироми бир-биридан фарқ қилувчи алоҳида нарса экан.

Аллох таоло инсонга бўлган мухаббатини қуйидагича баён қилган:

«Аллох сизга мухаббат қилади ва сизларнинг гуноҳларингизни магфират қилади» (*Оли Имрон сураси, 31-оят*).

Сўнг эса унга бўлган эхтиромини ҳам шундай билдирган:

«Батахкик, Биз Бани Одамни азизу мукаррам килиб кўйдик ва уларни куруклигу денгизда (улов-ла) кўтардик» (Исро сураси, 70-оят).

Демак, бу иккала нарсанинг алохида мустакил маъноси бор. Бирининг маъноси билан иккинчисининг маъносини бекор қилишимиз мумкин бўлмайди. Бундай ўринда маънодошлик (синонимлик) ворида бўлмаганидек, таъвил қилиш, яъни иккисини бир маънода деб тушуниш ҳам мумкин бўлмайди.

Лекин мухаббатнинг ўзи нима?!

(Давоми бор...)

Мухаммад Саид Рамазон ал-Бутийнинг

«Ал-Хуббу фил Куръан» китобидан

Абдуллох ГУЛОМОВ таржимаси